

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ислам Каримов номидagi Тошкент давлат тибқи университети;
- Тошкент шаар қасидага мостар тармақлар қорамаса.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарорига Олий ва ўрта махсус таълим йўналишлари бўйича ўша-ўша бўлиб бирланиши; фаолиятга мувофиқлаштирувчи кенгашини 2024 йил 26 август - сонда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2024 йил 25 август 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОУБИ ЭТИЛГАН:

60710600 – Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Махсус Малака талаби "Олий таълим йўналишлари ва кўрсаткичлари классификатори", Ўзбекистон Республикаси Миллий таълим раёсида муҳофазат қилиб чиқилган ва расмий маърифу-таълим ҳужжатлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари Малака талабларини расмий ҳолатда қабул қилишга ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқланади.

Тошкент-2021

ЎЗР ОЎМТВ
Буйруқ № 365
"26" 08 2024 йил

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;
- Тошкент шаҳар магистрал электр тармоқлари корхонаси.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60710600 – <i>Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш)</i> бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 60710600 – <i>Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60710600 – <i>Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
1.2.1. 60710600 – <i>Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг соҳалари	4
1.2.2. 60710600 – <i>Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 60710600 – <i>Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4. 60710600 – <i>Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари	5
2. 60710600 – <i>Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар.....	8
Келишув варағи	9

1. 60710600 – Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

60710600 – Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки, сиртки ва масофавий таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Бакалаврият дастурининг таълим шаклларида кўра ўқишни меъёрий муддатлари кундузги таълимда 4 йил, кечки таълимда 4,5 йил, сиртки таълимда 5 йил ва масофавий таълимда 5 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60710600 – Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **60710600 – Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудири) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим муассасаларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60710600 – Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.

1.2.1. 60710600 – Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60710600 – Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш)–“Мухандислик иши” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у электр энергиясини ишлаб чиқариш, ўзгартириш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш ва улардан фойдаланишга, соҳа истикболини белгилашга, касбий кўникма, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ комплекс масалалар билан боғлиқ касбий соҳалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60710600-Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;

– электр станциялари, подстанциялари, тармоқлари, тизимлари ва объектларини лойиҳалаш муассасалари;

– электр станциялари, подстанциялари, тармоқлари, тизимларини куриш, монтаж қилиш, созлаш ва таъмирлаш ташкилотлари;

– электр станциялари, подстанциялари, тармоқлари ва тизимларига техник хизмат кўрсатиш, уларни ишлатиш ва иш режимларини бошқариш корхоналари;

– электр станциялари, подстанциялари, тармоқлари ва тизимларини автоматлаштирилган диспетчерлик бошқаруви марказлари;

– илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини техникавий таъминлаш воситалари; касб-хунар коллежларидаги ўқув-тарбия жараёни.

60710600-Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш) таълим йўналиши бўйича бакалавриат битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриатнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60710600 – Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- муҳандислик - қидирув ва лойиҳа-конструкторлик фаолияти;
- ишлаб чиқариш – технологик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- илмий – тадқиқот фаолияти;
- фойдаланиш-сервис фаолияти.

1.2.4. 60710600 – Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60710600 – Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Муҳандислик-қидирув ва лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- электр энергетикаси ташкилотлари ва корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информатсион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

- лойиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш;

- электр энергетикаси ташкилотлари, корхоналари ва уларнинг алоҳида бўлинмалари фаолиятини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- бирламчи ишлаб чиқарувчи бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:

- электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, ўзгартириш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш объектларининг самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- электр станциялари, подстанциялари, тармоқлари, тизимлари ва уларнинг объектларини лойиҳалаш;

- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;

- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;

- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қурилиш ишлаб чиқариши технологик жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиш талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар хилма-хиллиги шароитида бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш бўғинининг ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширишда эришилган натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш кўникмалари.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- замонавий методлар ва воситалардан фойдаланиб фаолият объектлари ҳолатини таҳлил қилишда иштирок этиш;
- муҳандислик иши соҳасидаги объектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларни лойihalаш, ишлаб чиқиш, синаш ва улардан самарали фойдаланишда иштирок этиш;
- самарасиз вақт, меҳнат ва моддий ресурсларни камайтириш, рационал технологик жараёнларни танлаш бўйича тадқиқотларни ўтказишда қатнашиш;
- муҳандислик иши таълим соҳасидаги махсус адабиётлар, илмий-техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамызда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;
- таҳлил, ҳисоботлар ва илмий публикацияларни тузиш учун маълумотларни тайёрлаш;
- мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш.

Фойдаланиш-сервис фаолиятида:

- муҳандислик иши таълим соҳасига тегишли объектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларни синаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш;
- муҳандислик иши таълим соҳасига тегишли объектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш.

2. 60710600 – Электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни

йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ускуналар ва жараёнларни лойиҳалаш соҳасида технологик ускуналар энергетик самарадорлигини оширишга йўналтирилган техник шароитлар, стандартлар ва техник тавсифлар, технологик ускунани фойдаланишга топшириш бўйича ишларни режалаштириш усулларини, автоматлаштирилган лойиҳалаш усулларини ишлаб чиқишни ташкил қилиш тартибини билиши ва турли хил энергетик ускуналарни тадқиқ эта олиш;

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилишни билиш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқишни биллаш;

- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини (тайёргарлик ихтисослигига мос равишда) қўллаш қобилиятларига эга бўлиш;

- муҳандислик ечимларини ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ қила олиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини техник назорат қилиш, синов ўтказиш ва сифатини бошқаришни биллаш;

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш олиш;

- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдалана олиш;

- касбий этика кодексига риоя қилиш;

- ишлаб чиқаришда ҳаёт ҳавсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқишни билиш;

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қила олиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштиришни биллаш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқара олиш;

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, электр энергетикаси (энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш), малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ислом Каримов номидаги

Тошкент давлат техника университети

Ректор

проф. С.М. Турабджанов



2021 йил « 23 » 08

М.Ў.

Тошкент шаҳар магистрал электр тармоқлари корхонаси

Директор

А.Г. Расулов



2021 йил « 23 » 08

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.в.б.

М.Эсонов



2021 йил « 23 » 08

М.Ў.

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор

проф. О.Қ. Абдурахманов



2021 йил « 24 » 08

М.Ў.

ЎЗР ФА Энергетика муаммолари
институтини

Директор

Х.М. Муратов



2021 йил « 23 » 08

М.Ў.

«Ўзэнергомарказ» МЧЖ

Директор

Т.Х. Насиров



2021 йил « 24 » 08

М.Ў.